



ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 42 (9.386) 2000 йил 10 апрель, душанба

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг курултойи қатнашчиларига

Хурматли курултой қатнашчилари!
Сизларнинг бугунги анжуманингиз мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида теран ўзгаришлар юз бераётган, жамиятимизни демократлаштириш жараёни янги босқичга кўтарилаётган бир пайтда ўтаётгани билан муҳим аҳамиятга эга.
Сафларда миллионлаб кишиларни бириктирган Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.
Касаба уюшмаларининг ўз фаолиятини янгиланаётган иқтисодий талабларга мувофиқ йўсинда ташкил қилиш, меҳнатқашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларининг ҳимоясига эришишда ўзининг ҳаракат дастурини изчиллик билан ҳаётга жорий этишига интилаётгани эътиборга сазовордир.
Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масала — сиёсий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси, бошқа нодавлат ва жамоат тузилмалари қаторида, касаба уюшмаларига ҳам улкан масъулият юқайди.
Ишончим комилки, мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида шаклланиб келаётган барқарор ва самарали муносабатлар бундан бундан ҳам ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ривожланиб бораверади.
Бу жараёнда меҳнат ахлига моддий-маънавий қўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунилари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик оғида ўзини ўзи бошқариш қўлмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва иланишларини рағбатлантириш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.
Мана шу улкан вазифаларни амалга оширишда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида касаба уюшмалари сидқидилдан хизмат қилади-лар, деб ишонаман.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, олижаноб ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

КУРУЛТОЙ БЎЛИБ ЎТДИ

8 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг 3-курултойи бўлиб ўтди.
Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг курултойи қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тимур Алимов ўқиб эшиттирди.
Курултойда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг раиси, Олий Мажлис депутати Дилбар Жаҳонгирова маъруза қилди.
Курултойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Гулмова қатнашди.

Тошкент савдо-саноат ярмаркаси МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯҚУНЛАНДИ

Шанба куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ташкил этилган, 4-8 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси бадий Академиясининг «Халар» халқаро алоқалар марказида ўтказилган IV Тошкент савдо-саноат ярмаркаси таъриф бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Хамидов кўрғазма залларини айланиб, бу ерга қўйилган маҳсулотлар, корхоналарнинг ишлари билан танишди.
Шундан сўнг ярмарканинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, ярмарка ташкилий қўмитаси раиси Аҳмажон Миржалолов сўзга чиқиб, ярмарканинг кўтаринки руҳда ўтганлигини таъкидлади ва иштирокчиларнинг келгуси ишларида муваффақиятлар тилади.
Ярмарка сўнггида «Энг яхши экспорт ва импортчи ўрнини босадиган маҳсулот учун», «Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нобилиги ва юқори бадий дизайни учун», «Фото-кино индустрияси соҳасидаги технология ишланмаларининг нобилиги ва аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатганлиги учун», «Маҳсулот дизайнининг нобилиги ва экспозициясининг энг яхши безағи учун», «Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифати учун», «Янги тежамкор технологияларнинг тadbик қилинганлиги учун» номинациялар бўйича энг яхши корхоналар аниқланиб, уларга Дипломлар топширилди.
Ярмаркада мулкдорликнинг барча шаклларидаги 255 та корхона иштирок этди, — дейди Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Анвар Йўлдошев. — Анъанавий шартномалар биржаси шаклида ўтказилган ушбу ярмаркада бизнес бўйича ҳамкорлар учрашиши, шартномалар тузилиши, хоҳиш-режалар баённомалари имзолаши. Умумий қиймати 450 миллион сўм ва 2 миллион АКШ долларлиги 1431 та шартнома имзоланишига эришилди, хоҳиш-режалар баённомаларининг сони эса 9010 тага етди.

Шоира ИСАЕВА.

Дэвис Кубоги ТЕНИСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЛИГАСИДА

Юртимизда теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган сўб-ҳаракатлар ўзининг тўлиқ мевасини бермоқда — катта ракетка усталиримиз нуфузли халқаро мусобақаларда ҳам салмоқли топушларни қўлга киритмоқда-лар. «Юнусов» теннис мажмуасида ўтган уч кун ичида бўлиб теннис бўйича терма жамоаларро норасий жажон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис Кубоси мусобақасида бўлиб яна бир қарра гувоҳи бўлди.

Миллий теннис федерацияси 1886 йилда ташкил этилган Янги Зеландия терма жамоаси жуда жиддий рақиб бўлса-да спортчиларимиз учрашуви йиниқчилик ва катта маҳорат билан бошланиб, Хусусан, дастлабки уйида бизнинг иккинчи ракеткамиз Вадим Куденко рақибларнинг энг қучли уйинчиси Марк Нелсонга қарши майдонга тушди. Спортчимиз биринчи сетда тай-брейкдан сўнг 7/6 ҳисобда қийин ғалабани қўлга киритган бўлса-да, қолган икки сетни ҳам ўз фойдасига ҳал этиб, бизнинг ғалабани қўлга киритди. Олег Огородов ва Алистер Хантлар ўртасидаги учрашув эса нақ 2 соат 37 дақиқа давом этиб, унда ҳам 7/6, 6/2, 6/7, 7/5 ҳисобда ҳамюртимизнинг қўли балабди қолди.
Шундай қилиб, иккинчи куни жўфтликлар ўртасида ўтказилган баҳр ҳал қилувчи тус олди — унда теннисчиларимиз ғалаба қозонсалар, қолган икки уйин на-
тижасидан қатъи назар улар кейинги босқичга йўлланма олиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.
Учинчи уйида — ўзбек теннис тарихидаги энг қучли жўфтлик — Огородов ва Томашевичлар Алистер Хант ва Жеймс Гринхальчларга қарши майдонга тушиб, 7/5, 7/6 ва 6/4 ҳисобда ғалабага эришган ҳолда теннисимизни яна бир нуфузли зафар билан таъминладилар.

КЕЧА

Дилмурод ИСМОИЛОВ.



БУЮК СОҲИБҚИРОН РУҲИ ҲАММАМИЗГА МАДАДКОР БЎЛСИН

Халқимизнинг миллий қурули оғини юксалтириш, маънавий қадриятларимизни тараққий эттириш учун тарихимизни қайта тиклаш лозим. Амир Темур ана шу кўкна тарихимизнинг буюк ҳукмидир. Буюк соҳибқирон хотирасини эсга олиш келгуси авлоднинг ўтмиш аъёнларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашда, бемакки ўзлашимизни аниқлашимизда муҳим ўрин тутаяди.

КЕЧА

шахримиздаги Амир Темур ҳиббониди буюк бобомизнинг ҳайкаллари атрофида гўзал пойтахтимизнинг энг ҳурматли кишилари — уруш ва меҳнат фахрийлари, олимлар, зиёлилар, оқсоқоллар, қалбида Ватанга садоқат, эл-юртга муҳаббат хислати жўш ўрган соҳибқирон таваллудининг 664 йиллигини нишонлаш учун тўпланди. Чарақлаб турган кўбди, булбулларнинг шўх сайроқлари ҳам шу кунги соҳибқирон бобомизнинг кутлуғ таваллуд кунлари билан муборакбод этаётгандай эди гўё.

Тадбирини очар экан, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихсидилла Ақромов мустақилликдан сўнг ўтган 9 йил ичида асрга татигулик муваффақиятларини қўлга киритганимиз, унинг моҳияти, қадр-қиммати вақт ўтган сари чуқурроқ аниқлаб бораётганимиз, истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан халқимиз даҳоси, тисмолига айланган буюк саркарда ва Соҳибқирон Амр Темурнинг мубо-
рак номини, у ҳақдаги тарихий адолатни тиклашга киришганини таъкидлаб ўтди.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, академик Бўрибой Аҳмедов, Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов ва бошқалар ҳам ўз сўзларида Амр Темур даҳоси, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари ўрни бугунги кунимизда ҳамоҳанг эканлиги, ушбу бебаҳо меросни ўрган-сак, таърифласак, ёшлар онгига сингдирсак келажак йўлимиз янада ойдинлашиши ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Сўнг буюк Соҳибқирон Амр Темур ҳайкали пойига шахримиз жамоатчилиги вакиллари томонидан гулчамбар қўйилди.

Ушбу тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнатов, Фарид Абдурахмонов ва бо-
шқа расмий кишилар иштирок эттиди.



Шуни айтиш керакки, шахримизда буюк Соҳибқирон таваллудига бағишланган ана қўлаб тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Темурийлар тарихи давлат музейида С. Раҳимов, Миробод, А. Икромов ва Я. Касарой туманларидаги иқтидорли ўқувчилар ўртасида эркин мавзуда илмий излашлар, бадий лавҳалар (театрлаштирилган кўринишлар), таъсирли санъат намуналарини ўзига камраган «Баҳраёт сиймо» номли кўрик-танлов ўтказилди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Амр Темур номи билан аталувчи маҳаллада

КЕЧА

ўтказилган тадбир ҳам марокли бўлди. Тадбирда Ўзе-
кистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Фулмон Зокоров, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директорининг ўринбосари Бахриддин Маннонов, маҳалла оқсоқоли, генерал Абдулла Ортиқбоев, доцент Ақром Комилов ва бошқалар буюк Соҳибқирон бобомизнинг бекиёс хизматлари ҳақида, унинг тарихимиздаги буюк роли тўғрисида, давлат қурилиши ва ҳарбий саркардалик санъати ҳусусида фохр ва ифтихор билан сўзлаб, Амр Темурни аниқлаш — ўзлагимизни аниқлаш эканлигини таъкидладилар.

(Ўз мухбирларимиз).

СУРАТДА: Буюк Соҳибқирон Амр Темур ҳиббониди таңтанадан лавҳа.

Сергей Любич олган сурат.

Ободонлаштириш ойлиги

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Юртимизда ўтган йили пойтахтимизнинг Юнусов туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишларида юқори баҳо бериб эл-юрт овозидан учун қурашиб қурбон бўлган мард ўғлонлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Ушбу таъкиф ҳам шаҳарларимиз томонидан қизғин кутиб олинди ва ҳашар ишлари қизиб кетди.



Ўтган кун Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари, Тошкент Молия институти ўқитувчилари ва талабалари, Зухриддин Калонов номидаги касб-хунар лицейи муаллимлари-ю ўқувчилари, Юнусов тумани Маданият бошқармаси ходимлари, Акмал Икромов тумани ҳудудидаги маҳаллалар фуқаролари «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш учун умум экологик шанбалик ўтказдилар. Халқимизнинг ҳашар — элга ярашар, деган ҳикмати сўзига амал қилган ҳашарчилар, янги бунёд этилаётган ёдгорлик мажмуини ахлат-чиқиндилардан тозалаш, ернинг ўнқир-чўнқир жойларини текислаш, бўш ётган ерга мева-ли-манзарали қўчалар экиш, 4000 квадрат метр жойга чим ётқизиш, ирригация ариқчаларини текислаш, майдончаларга гишт ётқизиш ишларини бажаришди.

«Шахидлар хотираси» мажмуи қурилиши бошлангандан бун, — дейди биз билан суҳбатда Юнусов тумани ҳокимининг ўринбосари Қобил Фармонов, — бу ердан одам аримайдиган бўлиб қолди. Ободончилик ойлиги муносабати билан ҳар кун ҳашар ишлари жадал кетаётган бўлса-да, пойтахтимизнинг бошқа туманлари фуқаролари, корхона, муассаса, ташкилот, ўқув юртлари вакиллари ҳам ҳар шанбада бу ерда ҳашар уюштирмоқдалар. Айниқса бугунги ҳашарда талабалар ички ишлар ходимлари ва Акмал Икромов туманидаги маҳаллалар фуқароларининг келиб қалб амри билан меҳнат қилаётганлари кишини қувонтиради. Кўрғазим, ҳашарчилар орасида 15-16 ёшли ўқувчилардан тортиб 70-80 ёшли отахонларгача бор. Чунки ёдгорлик мажмуининг бунёд этилаётгани халқ кўнглидаги муҳим иш бўлди.

Собик шўро тузуми репрессияси пайтида бегунох қурбон бўлган ватандошларимиз хотирасини бир зум бўлсин эсдан чикариш гуноҳ, — дейди Акмал Икромов туман «Маҳалла» жамағармаси раиси Салоҳиддин Мирҳақимов, — бугун умумэкологик шанбалик ўтказилаётганини эшитган туманимиздаги жами маҳаллаларимиз оқсоқоллари «Шахидлар хотираси» мажмуини ҳашар ўтказиш истагини билдирдилар. Ва мингдан ошқ фуқароларимиз ушбу хайрли тадбирда қатнашдилар.

Дарҳақиқат, пойтахтимизда ушбу муҳим тадбир кечгача давом этди. Ҳашарчиларимиз ҳашар кунини уюшқоқлик кўрсатиб катта кўчаларда, турар жой дачалари ва маҳаллаларда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатдилар, қўлаб дарахт ва гул қўчатидан ўтказиб, пойтахтимизнинг янада гўзал ва фойдали бўлишига ўз улушларини қўшдилар.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ.

СУРАТДА: Ҳашарчиларимиз «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини ўтказилган ҳашар пайтида.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида буюк Соҳибқирон бобомиз Амр Темур таваллуд тоғлан кунга бағишланган тантанали тадбирлар ўтказилди.
● Ўтган кун ва кеча мамлакатимизнинг барча бурчакларида умумэкологик шанбалик ўтказилди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган ҳашар ҳақидаги суратли репортажни газетанинг ушбу сониди ўқийсиз.
● Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Президент Ислом Каримовнинг миллий мафқурани шакллантиришга бағишланган йилгишдаги маърузасидан келиб чиқувчи вазифалар мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда республиканинг етакчи олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс берувчи академиклар, профессорлар, таниқли олимлар, маданият арбоблари, маънавият ва маърифат соҳаси мутахассислари иштирок этди.
● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Тошкент — Афина — Рим йўналиши бўйлаб яна бир мунтазам қатновни йўлга қўйди.
● Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан оммавий ахборот воситаларида ёритилган ўтган йилги энг яхши мақолалар танловига якунлар чиқарилди.
● Тошкентда «Ўзбекистон Республикасида фуқаро таълими учун ўқув материалларни яратиш» халқаро лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди.
● Ўзбек кино усталари томонидан яратилган янги «Қисмат» бадий фильмининг тақдимот маросими Тошкентда ўтказилди.
● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ядро физикаси институтида Марказий Осиё мамлакатларининг ядро материаллари радиацияси мониторингини бўйича амалий кенгаши ўтказилди.
● Эртага «Ўзэкспомарказ»нинг 1-павильонида «Соғлиқни сақлаш — 2000» бешинчи халқаро табиёт кўрғазмаси очилади. Кўрғазмада жажондаги етакчи фирмаларнинг тиббий ускуналари ҳамда фармацевтика ва косметика маҳсулотлари намойиш этилади.

ЖАҲОНДА

● Бугун Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Прагага жўнаб кетади. У Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг иқтисодий форуми ишида қатнашади.
● Кеча Бокунда туркийзабон давлатлар раҳбарларининг икки кунлик саммити ниҳоясига етди. Учрашувда туркийзабон давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий муаммолар, алоқаларни бундан бундан ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама қилинди.
● Кеча Грузияда президентлик сайловлари ўтказилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ушбу сайловларда мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Эдуард Шеварднадзе ғалабага эришиб, иккинчи муддатга Президент этиб сайланди.
● Кеча дан бошлаб Россия ҳукуматининг Россия — Белоруссия чегарасида божхона назоратини тиклаш тўғрисидаги қарори кучга кирди.
● Боливидада факулдада ҳолат жорий этилди. Мамлакатда умумий тартибсизликлар бўлиб ўтмоқда. Ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар бор.
● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исломободда толибонлар билан музокаралар олиб борди. Музокаралар чоғида афғонлар ўртасидаги можароларни барқарорлаштиришнинг эҳтимолда кўзда тутилган йўллари муҳокама қилинди.
● Греция Бош вазирининг ўзининг ҳукмрон социалистик партиясининг бўлиб ўтган сайловлардаги ғалабасини эълон қилди.
● Коррупция ва солиқларни тўламаганликда айбланаётган Исроил Президенти Эзер Вайцман 2003 йилда туғайдиган ўзининг президентлик муддати охирига қадар истеъфога кетиши эҳтимоли тўғрисида биринчи бор баёнот берди.
● Бугун Гаванада БМТ Бош қотиби Кофи Аннан «77» деб аталувчи гуруҳ конференцияси қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқади.
● Бугун Исроил Бош вазирини Е. Барак Вашингтонга кета туриб Кохирада тўхтаб ўтади ва Миср Президенти Хусни Муборак билан учрашади.
● Бугун Европа Иттифоқи мамлакатлари Ташқи ишлар вазирлари Люксембургда ўзаро учрашадилар.
● Ироқда иккинчи марта миллий парламент раиси этиб С. Мамади қайта сайланди.
● Бугун БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида жажоннинг 180 мамлакатидан келтирилган тупроқлардан яратилган ҳайкалнинг очилиши бўлади.
● Бугун Лондонда Британиянинг кино, телевидение ва санъат академияси мукофотларини топшириш маросими ўтказилди.
● Кеча Американинг Аризона штатида синов учуви чоғида ҳарбий самолёт қулаб тушди. Самолёт ичидаги 19 кишининг ҳаммаси ҳалок бўлди.

Футбол

ИШҚИБОЗЛАР КУТГАН ҒАЛАБА

Ўтган кун Ўзбекистон миллий чемпионатининг бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси чемпионат пешқадами «Трактор»ни ўз майдонида қабул қилди.

Футбол мухлислари «Пахтакор»нинг чиройли комбинацион ўйинлари-ю ғалабаларини соғиниб қолганини аниқ. Шу босими пахтакорчилар майдонда бу сафар ҳужумкорлик руҳида тўп суришди. Биринчи бўлимда дарвозалар даҳсис қолди. Аммо иккинчи бўлимнинг 60, 84 дақиқаларида моҳир ҳужумчи Игорь Шкирвин ва 79 дақиқада эса Азамат Абдураимов аниқ ҳаракат қилиб рақиблари дарвозасини ишғол қилишди. Уйин туғашига уч дақиқа қолганда тракторчилардан Баҳодир Қодиров мезбонлар дарвозасига жавоб тўпни йўллаб, орадаги фарқни бироз қисқартира олди ҳолос. Учрашув 3:1 ҳисобида пахтакорчилар ғалабаси билан якунланди.
Ушбу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Турон» 1:1, «Гулистон» — «Хоразм» 2:0, «Селмур» — «Металлург» 4:1, «Дустлик» — «Навбахор» 3:1, «Кимёгар» — «Насар» 0:0, «Навбахор» — «Андижон» 3:0, «Темирйўлчи» — «Нефчи» 2:3, «Самарқанд-Динамо» — «Қизилқум» 4:0, «Зарафшон» — «Бухоро» 1:0.

ЭРТАГА

олтинчи тур учрашувлари бўлиб ўтади. Унда «Пахтакор» Бекбодининг «Металлург» жамоаси билан ўз майдонида куч синашади.

Ақбар ЙЎЛЧИЕВ.

Саноат

ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА

Суратли лавҳа

Шахримиздаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга эътибор тобора кучайиб бормоқда. Бу борада Собир Раҳимов туманидаги «Обиравон» масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти фикримиз далилидир.



— Президентимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 1999 йили якунлари ва 2000 йилда иқтисодийни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари ҳақидаги чиқишларини тинглаб ва ана матбуот орқали ўқиб, кенг мушоада қилар эканман, бошлаган ишимни янада ривожлантиришга аҳд қилдим. Чунки бу масъулияти чекланган жамиятнинг фаолиятини бошлашдан жуда кўп эшикларга кириб чиқишга тўғри келган. Бу эшиклардан ижобий жавоблардан кўра, бутун ғайратим сўниб кетган кунларим

ҳам бўлган. Аммо, ҳаётда яхши одамлар бор бўлсин экан. Улар дардингни эшитиб, нуфузли ишга қўл ургангиларни қўллаб-қувватлар экан. Ана шулардан бири «Вита» ўзбек-америка қўшма корхонаси ҳамда Тошкент вилояти ветеринар хизмати бошқармасидир. Бу ташкилотлар ўз зиммаларига моддий таъминот, муассислик масъулияти ва лаборатория текширувларини ўзлашди олиб боришмоқда. Шу тўғрисида «Обиравон» масъулияти чекланган жамиятида янгилаш вужудга келиб, ўз фаолиятини бошлади. Биз ўз олдимишга ҳалқ ҳўжалигининг энг керакли озуқаларидан бири бўлмиш

суяк унини тайёрлашга киришганмиз. Бу суяк уни парандачилик фабрикаларига ва чорвачилик фермаларига жуда зарур бўлган маҳсулотдир.

Кўп вақтлардан буён ахлатга ташлаб юбориладиган суяк қолдиқларини биз иккиламчи маҳсулот сифатида қайта ишлаб, кўзга кўринмас, аммо ҳўжаликка катта фойда келтирадиган тайёр ем маҳсулотини чиқарапмиз.

Ўтган давр мобайнида 35 тонна суяк унини ишлаб чиқардик. Айни вақтда бу цехимиз янада ихчамлаштириб жойларда ҳам ташкил этиш мақсадидамиз. Сабби келтириладиган хом ашёни буюртмачиларга элиб бергунча кўп сарф-харажат қилишга тўғри келмоқда. Бу борада конструкторлар билан бамаслаҳат иш юритиб, яқин кунларда суякни қайта ишловчи кичик дастгоҳлар яратиш истаги туғилганлиги ҳам бизларни янада қувонтирди. Бу кичик цехларнинг вужудга келиши натижасида жойларда суяк чиқиндилари кўпаймайди ҳамда ёшларга иш жойи вужудга келади. Жамоамизда 21 киши меҳнат қилаётган бўлса, ана шулардан 8 нафари суякни қайта ишлаш цехида меҳнат қилади.

Дилобар Мўминова.
СУРАТДА: Илҳор Даминав тайёр маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.
Манзура Шарипова олган сурат.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛАР — ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАДА

Халқимизда ночор, ёрдамга муҳтож кишиларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш қадимдан ота-боболаримиздан бизга ўтган. Савоб ишга қўл урган одамнинг икки дунёси саодатли бўлади, дейишди.

Шахримизда ёлғиз, ногирон, ёрдамга муҳтож кишилар ҳам бор албатта. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлигида «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳўмия қилишни қучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорни бажариш бўйича шаҳар комиссиясининг йиғилишида ҳам Тошкент шаҳридаги ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳўмия қилишни қучайтириш, уларнинг иқтисодий таъминот ва уй-жой-مائийш шaroитларини яхшилаш юзасидан эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги 220-сонли қарорининг бажарилиши бўйича Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ амалга оширилган ишлар ва келажакка мўлжалланган режалар хусусида сўз борди. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Раҳимжон Розмуҳамедов, Тошкент шаҳар ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғи Бадриддин Камолловлар шу ҳақда батафсил тўхталиб ўтишди. Йиғилиш давомида туманлардаги ижтимоий-таъминот бўлиmlари, «Наврўз» хайрия жамғармаси, «Меҳрибонлик», Кизил Ярим Ой жамиятларининг Тошкент шаҳар бўлиmlарининг бу борадаги амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Шуни айтиш кераки, ижтимоий муҳофаза борасида шахримизда янгилаш иш усуллари ҳам қўлланилган. Чунки, ҳар бир туманда ёлғиз кексалар ва пенсионерлар, но-

гиронларни ижтимоий ҳўмия қилувчи жамoат марказлари очилган. Ҳозир шахримизда 1391 нафар ёрдамга муҳтож, ёлғиз кексалар мавжуд бўлиб, ушбу марказлар уларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш юмшларини ташкил этади. Жумладан, уларнинг 561 нафарининг уйлари таъмирталаб бўлиб, ушбу хонадонлар бегул таъмирлаб берилди. Бу ишларга ҳoмийлар ҳам кенг жалб этилади. Ҳозирда Мирзо Улугбек, Чилонзор туманларида шундай марказлар барча керакли анжомлар билан жиҳозланиб фаолият бошлаш арафасида. Бундан ташқари Франция тақрибаси бўйича ёрдамга муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга оммавий ҳoмийлик усули ҳам тақриб тарикасида татбиқ этилмоқда. Ёлғиз кексаларни дори-дармонлар билан таъминлаш, ногиронлар учун аравачалар ажратиш ишларини қучайтириш, ҳoмийлар маблағини жалб этиш ва муҳтож ёлғиз кексаларга, пенсионерлар ва ногиронларга қўшимча моддий ёрдам бериш юзасидан ўринли тақдирлар билдирилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Эркин Эрнзаров қатнашди.

Кекса ва ногиронларга хайрия тарикасида ўз қўмагини беришда савоб ишга бел боғлаганлар қўйдаги ҳисоб рақамига пул ўтказишлари мумкин: уй-жой қурилиш банкнинг меҳнат бўлими: 20210000400102. МФО 00413.

Тадбирлар

ҲАМКОРЛИКДАГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Акмал Икромов тумани ҳокимлигида Тошкент шаҳридаги ижтимоий-мoслашмиш марказларининг йил якунлари ва уларнинг фаолиятларини янада такомиллаштиришга бағинланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ҳокимлигининг масъул ҳoдимлари, хoрижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси, туманлар ИИБлари паспорт бўлиmlарининг бошлиқлари, туман ИИБларининг мoслашмиш масалалари бўйича нoзирлари, меҳнат биржалари вакиллари, «Маҳалла» жамғармасининг ҳoдимлари иштирок этиди. Анжумани Тошкент шаҳар ҳукуқини муҳoфаза қилувчи органлар, ҳарбий сафарбарлик ва давқулодада вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари Одил Аҳмедов олиб борди.

Тошкент шаҳар ижтимоий мoслашмиш маркази раҳбари Алишер Мирбоқиев

торларининг жазо муҳдатини ўтаб қайтган шахслар билан олиб борадиган ишларини қучайтириш кераклиги қайд этилди. Ҳар бир шундай шахсининг жамиятда ўз ўрнини қандай топаётгани юзасидан маълумотга эга бўлиш ва бу ҳақда ижтимоий мoслашмиш марказига ахборот етказилишига келишиб олинди.

Сўнг мутасаддилар йиғилишларни қизқиктирган саволларга батафсил жавоблар қайтаришди.

Семинар якунида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмаджон Миржалилов сўзга чиқиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиб, ишларни янада яхшилаш мақсадида ижтимоий-мoслашмиш марказларининг меҳнат биржалари, сил касаллиқлари диспансерлари билан ҳамкорлигини фаоллаштириш лoзимлигига алоҳида эътибор қаратди.

(Ўз мухбиримиз).

ХОНАДОНЛАР ЧАРОҒОН, ДИЛЛАРИМИЗ НУРАФШОН БЎЛСИН

Шаҳар ҳўжалиги мавзусида

Бугунги кунда ҳаётимизни электр нури билан тасаввур эта оламимиз. Агар бирор тасовиф билан хонадонимизда электр чирогини ўчиб қолса, ана шу дамда нима қилишимизни билмай қоламиз. Агар шу дамда меҳмон кутиб қолган бўлсангиз, бир зумда кўнгли кўчангиз қоронғиларга тўлади, кайфиятингиз бузилиб, асабларингиз таранг тортади. Агар уйингизда телефон бўлса зудлик билан электр тармоқлари қорхонасига қўнғирок қилиб, ёрдам сўрайсиз.

Ана шундай дамда сизга қўмак бериб, уйингизни яна нурга тўлириб, кўнглингизни ҳам нурафшон этадиган нуриларнинг хизматида ана бир бор миннатдор бўласиз. Тошкент шаҳар электр тармоқлари қорхонасининг 1500 нафардан зиёд ишчи-хизматчилари пойтахт аҳолиси, саноат қорхоналари, ташкилот ва муассасаларни кечая кундуз узлуксиз электр қуввати билан таъминлашда бор имкониятларидан унумли фойдаланмоқдалар.

— Нурчиларимиз ўзларининг шарафли ҳамда масъулиятли вазифаларини сийқидилан адо этишга интиломоқдалар,— дейди шаҳар электр тармоқлари қорхонаси электр таъминоти хизмати бошлиғи Шоакбар Жамоллов.

— Қорхонамиз аҳли бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиб, ишлаб чиқаришга янги, замонавий технологияларни жорий этиш, электр қувватларини ҳисоблашда компьютерлар хизматидан фойдаланишга катта эътибор қаратмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳoдимларимиз ва абонентларнинг вақтини тежаш, ҳисоб-ки-тоб ишларини бекаму кўст бажариш, аҳолига намунали хиз-

мат кўрсатишда ўз самарасини беришмоқда.

Шахримизда шу кунга қалар жами абонентлар сони 540 мингдан ортиқ бўлиб ва бир кеча-кундузда аҳоли эҳтиёжи учун сарфланадиган электр нури 2 миллион киловатт-соатни ташкил этади. Бундан ташқари саноат қорхоналари, муассаса ва ташкилотларга ҳам электр қуввати етказиб берилади. Бу борада жамoамиз ҳoдимлари зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда меҳнат қилишди. Уларнинг меҳнати шахримизнинг ҳар бир хонадонини учун ниҳоятда муҳим ва зурурлигини яхши англайдилар. Лекин ачинарли томонини шундаки, баъзи бир абонентларнинг электр ҳақини ўз вақтида тўламаслиги, бунинг устига фойдаланган электр қувватига ҳиёнат қилиш, ўринсиз — нотўғри, қинғир йўллар билан ишлаш, ҳисоблаш асбобини атайлаб бузиб қўйиш ҳoллари ҳали-ҳамон учраб турибди.

— Айнан ана шундай ҳoлларга мисоллар келтири оласизми?

— Ҳа, албатта. Халқимизда «Ҳисобли дўст айрилмас», «Ҳисобини билмаган ҳoмидан айрилмас» сингари жуда ўринли ибратли нақллар мавжуд. Лекин истеъмолчилар ҳамда қорхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари буни ҳали-ҳамон тушуниб етмайптилар. Тўғрисиини айтганда, ҳали кўпчилик жойларда боқибегамлик кайфияти мавжуд.

Шундайлаб сирасига электр қувватидан 5.344.900 сўм қарзи бор «Чорсу» универсал дўконини, 539.400 сўм қарзи бўлган «39-қурилиш бошқармаси» ҳисадорлик жамиятини, 123.400 сўм тўламаган «Азиз Эмил» ҳусусий қорхонасини қиритиш ва бу рўйхатни давом эттириш мумкинлиги ниҳоятда ачинарли ҳoлдир. Наҳотки, юқоридagi ташкилот ва муассасалар ҳамма нар-

санинг ҳисоб-китоби борлигини билмайди.

Жуда кўплаб истеъмолчи ҳамшаҳарларимиз қинғир ишлари учун жарима тўлашга мажбур бўлишди. Чунки қинғир ишнинг қийми 40 йилдан кейин ҳам панд беришини унутмаслик лoзим. Ана шундай нопок хатти-ҳаракатлари, электр қувватидан ўғирлик қилиб фойдаланганлиги боис ҳам Юнусобод тумани, 5-мавзе 12-уй 17 хонадон соҳибига А. Ҳолматов 7343 сўм, Миробод тумани, «Оқ билал» кўчаси 4 йўлак 1-уйда яшовчи И. Семенов 18.144 сўм, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси 124-уйда истиқомат қилувчи Т. Миробидов 18.144 сўм, шу тумандан Ю. Горбунов 13.336 сўм, Шайхонтоҳур тумани, Отаҳўжаев кўчаси 2-хонадон эгаси Х. Фуломов 5523 сўм, Акмал Икромов тумани, 10-мавзе 2-уй 18-хонадонда яшовчи Б. Эшонхўжаев 7129 сўм жарима тўлашга мажбур бўлишди. Кейинги афсус-надоматлари эса фойда бермади.

Яна шунингдек кўплаб истеъмолчилар сарфланган электр қуввати учун тўловларни вақтида тўламайдилар. Яна шуниси ҳам борки, агар ана шу хонадонларни бир кун электр қувватидан узиб қўйсангиз, кетма кет дағдага қилиб келишни унуттирмайди, ўз ҳақ-ҳўқуқларини даъво қилишди. Ҳақ тўлашга келганда эса масъулиятсизлик қилиб, лоқайдларча ёндошадилар. Хонадонларининг ёруғлиги, телевизор қўриш, радио эшитиш ёқди, лекин пули қақди. Бундай кимсалар шахримизнинг ҳар бир туманида учрайди. Айниқса, электр қувватидан ноқонуний фойдаланаётган, унинг ҳақини ўз вақтида тўламаётганлар пойтахтимизнинг Чилонзор, Шайхонтоҳур, Сергели, Юнусобод, Собир Раҳимов туманларида кўплаб топилади. Ўтган йил давомида ана

шундайлардан 2999 таси устидан протокол тузилди, ана шулардан 2394 таси сулғача ўз қарзларини тўладилар, 600 тасини ҳуқуқшунос томонидан судга оширишга қарор қилинди. Бу орадаги ҳoдимларимизнинг қанча оворатгарчилигино сарсонгарчиликни айтмайсизми?!

— Бундай ҳoлатларнинг оқибатлари ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Истеъмолчиларнинг электр қуввати учун ўз вақтида пул тўламасликлари кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда. Мана шу ўринда бир рақамнигина келтириш учун давлат масаласига ойдинлик киритса бўлади. Бир киловатт-соат электр қуввати сарфи учун истеъмолчилардан 3,5 сўм миқдорда пул олинали. Аслида эса шунча электр қуввати сарфи учун истеъмолчилардан 3,5 сўм миқдорда пул олилатимиз бир неча баравар ортиқ сарф-харажат қилади. Ана шу ўринда истеъмолчилардан қолган тўловларнинг маълум қисми давлат томонидан қопланиши ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Энди истеъмолчиларнинг тўлов ҳақини пайсалга солишларига келсак, бу мавжуд электр қурилмалари, асбоб-ускуналарни янгилаш, таъмирдан чиқариш ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплашга салбий таъсир этиши, шубҳасиз. Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, хонадонларимизнинг чароғон бўлиши, албатта дилингизни равшан этади. Шу боис ҳам ана шу чароғонлик нафақат биз электр тармоқлари ҳoдимларига, балки сиз истеъмолчиларга ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лoзим. Шу билан бирга электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиб, унинг ҳақини вақтида тўлаб борсангиз, уйингиз ҳам, юзингиз ҳам ёруғ бўлишига ишонамиз.

Сўхбатдош
Шарофат БАҲРОМОВА.

Тақдирот

МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига миллий спорт турларини ривожлантириш тўғрисида ҳам алоҳида банд бор.

Куни кеча ана шу қарорнинг ҳаётдаги таъинининг гувоҳи бўлдик. — Тошкент отчоқари неғизда ташкил этилган республика миллий спорт турлари марказининг тақдирот маросими ўтказилди.

— Мустақиллигимиз миллий спорт турларининг ривожланишига ҳам кенг йўл очди, — деб таъкидланди ушбу маросимда. Алпоминиш ўйинларининг ташкил этилиши, Барчиной ва Алпоминиш кўкрак нишонларининг ишлаб чиқилиб, унга номзодлар учун тест-синовларининг жорий қилиниши фикримиз далилидир. Янги марказ воситасида кўнгина миллий спорт турларимиз жаҳон юзини кўради.

— Бизнинг миллий ўйин ва спорт турларимиз жуда кўп, — дейи маросимда қатнашган профессор Малик Муродов. — Ушбу янги марказнинг йўқолиб кетган тарихий ўйинларимизни тиклаб халққа қайтаришига ишончимиз қомил.

Хайрли ниятларни қўлаб ташкил этилган республика миллий спорт турлари марказининг келгусидаги фаолиятига парвозлар тиланимиз.


Дилшод ИСРОИЛОВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Соғлом авлод» ҳудудий дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича шаҳар комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Эркин Эрнзаров олиб борди. Йиғилишда Соғлом авлод йили Тошкент шаҳар ҳудудий дастури юзасидан биринчи чорак давомида бажаришган ишлар тўғрисида мутасадди ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Марям Солиқова шаҳар ҳудудий дастурини бажариш борасидаги ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

— Биз дастурдан келиб чиқиб ўз олдимишга қўйган вазифамизни унинг тегишли моддалари асосида олиб бораёلمиз, — дейи у. — Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лoзимки, бу ишларни амалга татбиқ этиш учун Тошкент шаҳрида кейинги йилларда замин яратилган ва керакли шарт-шaroитлар мавжуд. Нотик дастурда кўзда тутилган ва тиббиёт ҳoдимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди ва ёшлар саломатлиги, ҳoмилидорлик ва фарзанд туғилиши пайтади она ва бола саломатлигини назорат қилиш ва сақлаш, туғруқ комплексларининг моддий техника асосларини мустаҳкамлаш, уларни юқори маънавий мутахассислар билан таъминлаш, бир ёшгача бўлган чақалоқларнинг доимий равишда патронаж қилинишини таъминлаш, бир ёшдан олти ёшгача бўлган даврда болалар саломатликлари яхшилаш, касалланиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, мактабгача болалар муассасаларида мунтазам тиббий назорат ўрнатилиш, болаларни турли юқумли касаллиқларга қарши эмлаш тадбирларини доимий равишда олиб бориш, ногирон болалар ҳўмиясини қучай-

2000 — Соғлом авлод йили
МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДОШАЙЛИК



тириш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзолари бўлиш учун керакли шарт-шaroитлар яратиш борасида ўтган биринчи чоракда бажаришган ишларни алоҳида кўрсатиб ўтди. Қилинган ишлар натижасида шахримизда йилнинг биринчи чорагида оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи камайганлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ҳудудий дастурни бажариш борасида ахборот бериб, ҳар бир банд бўйича олиб бориладиган тадбирлар ҳақида батафсил тўхталди.

— Соғлом авлод йили мақсади ва мазмунини барча ўқувчилар, педагоглар

ва улар орқали ота-оналарга етказиш мақсадида таълим-тарбия муассасаларида ушбу талбирга бағишланган ягона педагогик кенгашлар ўтказилиб, уларда муассаса бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар таъкидланди, — дейи у. — Бошқармамиз шаҳар маҳаллалар оқсоқолари кенгаши, шаҳар Оила маркази билан биргаликда Соғлом авлод йилига ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқди. Шунга кўра, шаҳар ва туманлар миқёсида «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда «Маҳаллада соғлом муҳит — мактабда соғлом авлод» кўрик мусобақалари, кўпжа мактабларда «Соғлом авлод — юрт таянчи» фестиваллари ўтказилди.

Шунингдек, у шаҳар ҳудудий дастурининг тегишли ҳар бир банди бўйича амалга оширилган ва бажарилиши лoзим бўлган ишлар хусусида ҳам гапирди.

— Соғлом авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс эканлиги ҳеч кимга сир эмас, — дейи йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Сўхбат Пулатов. — Шу боис ҳам шахримиз аҳолиси ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб этишга, белгиланган дастур асосида иш юритишга ҳаракат қилмоқдамиз. Чунки саломатлиқни тиклашда, уни мустаҳкамлашда спортнинг роли каттадир. Ҳар бир туманда спортнинг исталган тури бўйича оилавий мусобақалар ўтказиб, бунинг телевидение орқали намойиш этмоқчимиз.

Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари Ваҳоб Латипов ўз сўзида туманда ҳудудий дастур асосидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиб, унинг ҳар бир банди ижроси юзасидан ахборот берди.

Йиғилиш сўнггида ҳудудий дастурининг ҳар бир бандига масъулият ҳақини ўрнатилди, чунки ушбу дастур асосида амалга оширилган ишлар юртимиз келажиги, миллиятимиз эртаси, баркамол авлод соғлиғига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши ҳақида алоҳида гапирилди. Шунингдек, ҳудудий дастур бандларининг бажарилишини жойларда чуқур таҳлил этиш, олдидан турган вазифаларни бажариш чора-тадбирлари зарурлиги таъкидланди.

Қачондир ўқиганим бир ривоятда айтилишча, ақли киши иккинчи донишмандга «Мен қандай бахтиёрман, фалон-фалон машҳурлар яшаган жойларни кўрдим, қани мен ҳам шу жойда туғилсам, яшасам эдим, ахир бу ерлар энг азиз жойлар», деб мактуб ёзди. Донишманд жавобан дейдики: «Эй фалончи, шундай яша, ижод қилки, сен жой билан эмас, жой сен билан азиз бўлсин». Қиссадан ҳисса шундоқ маълум: ҳар қандай фахр тағида ҳавас, ҳавас заминида ҳаракат, оқибатда натижа ётади.

Хуллас, сўз шу ҳақда. Қолаверса, жойни азиз қилиш ҳар кимнинг илкидан келадиган ва шунчаки иш эмас.

Соҳибқирон Амир Темури жаҳонгир бобомиз улкан салтанатига Самарқандни пойтахт қилиб танлаган, уни шу даражада обод ва гузал кентга айлантирдики, энг авж шоир: «Самарқанд сайқали рўйи замин аст...» дея абадиётга байт муҳрлади. Ул зотнинг замонадош улуғ Хўжа Ҳофиз: «Агар кўнглимни олса Шерознинг туркий жонони, қаро ҳолига бахш этгум Самарқанд Бухорони», дея янмо турк жононига бахш этишга арзғулик деб, энг аввал тенгсиз Самарқандни санади. Ул зот қурдирган маҳобатли Кўксарой масжиди, тенги йўқ Бибиҳоним, бетимсол Шойи Зинда макбаралари, Кеш (Шахрисабз)даги муъжиза Оқсарой ўша даврдан то ҳануз инсоният ақлини пол қолдирувчи, айни вақтда одам боласи қандай мўъжизаларга қодирлигини исботловчи ноёб иморат, башар зиёрат қилувчи атиқа бўлиб қолди. Ўз вақтида гирдо гирдини Темури барпо қилдирган Боғишамол, Боғидилқушо, Боғинав, Боғичинов боғлари ва бошқа боғлар қамсаган, тўрт томони зилол сувлар билан таъминланган Самарқанд, Дилқушо, Дилтортар, Фирдавс монанд жой бўлди. Донишманд одил шох ҳукм-фармо вақтда Мовароуннаҳрда савдо-сотиқ, иқтисодиёт, маданият мислиси гуллаб-яшнади. Шубҳасиз, бунинг бош сабабчиси Оллоҳ иноятига қўра Соҳибқироннинг ўзи бўлди.

Подшоҳ — худонинг ердаги сояси. Подшоҳ амри вожиб. Амрларнингга бўйсунинлар ва айтганини қилинлар, ҳадисиға мусулмонлар ўша даврда нечоғли амал қилганига изоҳ ортқича. Бас, улуғ бобомизнинг «...шу даражада тинчлик ва адолат ўрнатдимки, мамлакат у бошидан бошига бир лаган тилло қўйиб йўлга чиққан бола мамлакатнинг бу бошига бемалол келиши мумкин бўлди», деган сўзлари гоё ҳайратли ҳолдир. Бу фахрни хис қилиш мумкин. Дунёни зир титратган Темурининг бу фахри бошқа бирор ўрин, манбада учрамайди. Зеро, бу фахр жаҳоннинг ярмини эгаллаганлигидан эмас, ақинча, шу қадар бепойн худудда адолат ва тартиб, тинчлик ўрната олган.

1333 йил 9 апрель.

Хўжа Илғор қишлоғи

Тарағай тушлари рост бўлсин энди,
Кўёшни уйғотиб ўғил туғилса.
Қувончдан безовта дарёлар тинди,
Қақраган чўллارға меҳр ёғилса.

Матрибу Машриқнинг кучокларида
Қиличлар дамидан олам ёришиб,
Баҳорнинг гулдурос чакмоқларида
Тонг ила тун ёнса тагин қоришиб.

Саҳрода ҳайқирган бўронми, нафас,
Ўт олаги кўнгида тўлганган Мажнун —
Шуққулар уммони — нишқирган ҳавас
Орзиққан боғларға бош қўйса бу тун.

Жодулар ичиди юлдузлар тошиб
Ойни ураб ола ҳалқадай маҳкам,
Ёғдуға айланса гуллар ҳам шошиб,
Шарафга айланса жонлар мукаррам...

Қаромат дегани рост бўлсин охир,
Эрибди адоват, замин музлари.
Порласа қаҳр ҳам, порласа меҳр,
Дунёни ёритса фотиҳ қўзлари.

Қудратимни сақладим баланд —
Бир қўлимда адолат шаъми.
Нулларимни ёритса хурсанд,
Қўнғилларим ёритди ёниб.

Қудратимни сақладим, не тонг,
Бир қўлимда адолат тиги.
Нулларимни ёритса бежон,
Қўнғилларим ёритди йиги.

Қудратимни сақладим мангу —
Гоҳ адолат шаъми, гоҳ қилич.
Нулларимда бўлиб ўч-ёғду
Қўнғилларим ёритди севинчи.

— Қувват — адолатда, — деди Темурибек,
Тонг каби қўзлари ёришди ноҳоҳ.
Қўёш қуноғида ёниб қоғандек
Туғилар карвони кўринди гоҳ-гоҳ.

— Омад — адолатда, — деди шод амир,
Дунёға қаради қўзлари тийрак.
Уфқлар қизариб порлади охир,
Феруза осмонда бўлутлар сийрак.

— Мен-ку жангҳоҳларда кўп кездим
хайрон,
Кўксимни тиг эмас жонлар тилади.
Темуридек бўлиб-да, билдим мен — Ҳақон
Адолат бор жойда омад қулади.

Мозий

ФАХР ОСТИДАГИ ҲАЙРАТ



Назм

ТЕМУРБЕК БОҒЛАРИ ЕР ЮЗИН ТУТСА...

АМИР ТЕМУР. 1380 ЙИЛ.
ШАХРИСАБЗ

Усталарга буюрди Амир:
«Шахрисабзда Оқсарой бўлсин!
Ўзга амир қилмаган таъмир,
Ер юзиди тоқ чирой бўлсин.

Сарҳадини деворга ўранг,
Ёе назари париди бўлсин.
Яқинида бўлмай қонли жанг,
Зафар ёшу қарида бўлсин.

Оқсаройнинг чўнг залворлари,
Пойи тошу осмонга бўлсин.
Ҳалола бўлса заминдорлари,
Ҳокимлари имони бўлсин.

Лек хиёнат кўрган кун бу нур
Амирлардай қуласин мағрур...»

«...Етти иқлим подшоҳи Темури...»
Пири Қулол башорат қилса,
Бурзуларга айланган суғур
Қоялардан учиб йўқилса.

Юрасида туғилар бўлса,
Қанотида палапонлари.
Завқи, шони, ишқи туғилса...
Ва қорайиб қолса тоғлар,

Утрор узра айқирай аёз,
Илгирининг нишлари аччиқ.
Умр саҳар этди парвоз,
Шон заминда қолди сочқ.

Сартарошнинг қони қолмади,
Қош-юзлари оқариб қордек,
Тиззаларда жони қолмади,
Қалтироғин босолмай тордақ.

Темурибегнинг ҳукми бир бўлган,
Совуқни ҳам енгмоқчи бўлса,
Юрганида ларзага келган,
Ер юзига сингмоқчи бўлса.

Наҳот вафо қилмаса ҳаёт,
Тополмаса оғу давога.

Шахрисабз — Темури туққан
Ватан — бу.
Нурларга чулғаниб турар осмони,
Туғаниб туради замини, ёху,
Нафасга ўхшайди боғлар туғени.

Аммо, ўт чиқмаган бу ердан, билсам,
Фитналар чиқмаган, нисолар, шўрлар...
Кўксимга беркиниб олади алам,
Кўзимга урилиб келади кўрлар.

Темурининг пойлари етган тупроқда —
Қорабоғ, Фарғона, Ушнинг тутуни
Кўзларим ёшлатса бўғиб кўпроқ-да,
Юртимда қолди бағри бутуни.

Шу боис саҳардан ҳайқириб жоним,
Умидим қўёш ёриган чоғи,
Томирим, гурурим, қўйиб жаҳоним,
Фалакдан ёғилса юрагим охи...

Туғай қўзғалиб кетди чамаси,
Тошлар қаср-қуслар созин чалди.
Дунё ўммонига ҳаёт келмаси —
Яна Амир Темури керак бўлиб қолдимиз?!

Амир Темури мақбарасини
Очсанларнинг тугамас охи...
Ўтга чирмаб ер қураганини,
Учиб чиқди руҳлар чакмоғи.

Бибиҳоним ётган тобутин
Очсанларнинг тугамас охи...
Кўкка чирмаб замини бутун
Учиб чиқди руҳлар чакмоғи.

Самарқанддан учган бу қўш руҳ
Ер юзини айланиб келиб,

ликдан фахрдир. Ўз навбатида бу шу қадар олис масофада фаровонлики таъминлай олганликдан фахр ҳамдир. Қани эди ўтмиш ҳамма ҳукмдор, ҳамма бошқилар шундай хотиржамликдан фарҳансиз, шунга эришса олса!

Шундай ёки бошқа йўсинда ўзи яшаган жойни донишманд айтмоқчи азиз қилса!

«Темури туғулгани»ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб 1787 йилда нашр этган француз олими Лянгле Темури ҳақида шундай ёзди: «Темурихон сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик ва талон-тарож қилиш, деб баҳолаб келган эдик. Деярли, енгиб бўлмайдиган икки тўсқ — биздаги таассуф ҳамда тарихий ноҳақлик Темури билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди».

Этибор бераётган бўлсангиз, муҳтарам ўқувчи, бу 1787 йилдаги фаранг олимнинг афсус-надомати.

Келинг, яна далилларга мурожаат этайлик.
«Бир йил мобайнида, — деб ёзди ўрта аср тарихчиси Али Яздий, — Бағдод шахрини тиклаш ҳақида буйруқ берилди, токи шаҳар яна ўз қиёфасини олсин, унда ҳунармандчилик ровожлансин, тевакар-атрофиди деҳқончилик ўссин, савдо-сотиқ ва маданий ҳаёт кенг тармоқ ёйсин, ислом дини илгаригидай ёйилсин. Бу вазифа амирзода Абу Бақрга топширилди».

Оллоҳ китоби ва ҳадисларида олимлар улуғланади. Бир соатлик илм бир кунлик тоатдан афзал, дейилади ҳатто ҳадислардан берида. Улуғ Жаҳонгирнинг илмга, олимларга этибори қандай эди? Лянгле ёзди: «Темури олимларга сирлифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини қўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек илм-фан, идора ва бошқа ишларга истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпчилик тахдатдан тушиб, уларнинг ёнига келарди». Шу ўринда «Амирларнинг яхши олимларни зиёрат қилгани, олимларнинг ёмони — амирларни зиёрат қилгани» ҳадисини эслаш қиёф.

Гапимизни мухтасар қилиб айтмоқчимизки, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темури шундай яшадилар ва ижод қилдиларки, гап аввалида келтирганимиздек, донишманд айтмоқчи, нафақат туғилган жойлари азиз, балки бутун ер қурагани бу улуғ зот билан азиз ва мукаррам бўлди. Бугун улуғ соҳибқирон бобомиз ишига фахру ҳайрат, ҳавас тобора кучаймоқда. Ўша гап-гап: ҳар қандай фахр тағида ҳавас, ҳавас заминида ҳаракат, оқибатда натижа ётади.

Келгуси натижалар ҳам кўтулг ва улуғ бўлаверсин!

Урол Ҳ35ЕК.

Бир-бирига таланиб ёруғ
Олам узра чакмоқлар бўлиб,
Олам кўзи чакмоқлаб, бўлиб,
Юрасида қовушди ўтлуғ...

Эртаки кўзида олов ёнади,
Темурибек кўзида юлдузлар гирён.
Кўкларга қараса — нурлар синади,
Ерларга қараса — тагин ўт, бўрон.

«...Сен мени ўлимдан сақладинг бола,
Энди мен қулингман, сен-да паноҳим.
Тилагин айт дебди, олтиним, шўла,
Шаҳзода тоғани пойида, тоғим...»

Боланинг юзиди ҳайрат ўйнади:
«...Одамлар тилида сўзласа илон...»
Шижоат қайнади, қайрат қайнади,
Шонларга айланиб бутун ҳаяжон.

«...Азоблар кўрмасам дегандим энди,
Қайлардан боғларим сарғимаса, бас.
Дарёлар бир тошиб, орзиқиб тинди,
Орзулар чўкмаса, тинмаса ҳавас.

Илоҳишойиға боруримиз ҳозир,
Тилагин айт деса, «Ур, тўқмоқ» сўргин.
Шамолга айланиб дардларинг тўзир,
Чакмоққа айланиб давронлар сўргин...»

Темурибек кўзида юлдузлар гирён,
Сарҳадсиз ўйлар тизгин биласайди.
Эртаки, башорат — кўтарган сурон:
«Ур, тўқмоқ» кўшмида, қани, бўласайди...

Тиг урсам қўшдарё қирғоғида
Мўғулар ҳукмига — аччиқ захрига.
Мовароуннаҳр қучоғида
Элими билмасам офтоб бағрига.

Чакмоққа айланиб, тонгга айланиб,
Қирларда ҳайқирсам олиб шавак, нафас.
Дилимда очилган гулларим ёниб,
Ёшларга айланиб қуримаса, бас.

Темурибек боғлари ер юзин тутса,
Шаҳарлар яратсам саҳроларимда.
Ўзоқдаси қушлар бир қўлиб ўтса,
Ва меҳрлар оқса дарёларимда...

Шафакқа айланган Аллоҳи руҳи,
От чопса шерларни йиқиб толдирган —
Мен, ахир тархонман, барлос уруғи,
Хон деган зотларни дорда қолдирган.

Абдулҳай НОСИРОВ.

Санъат

МУХЛИСЛАРГА МАНЗУР АСАРЛАР

Инсон ҳоҳида яхши бир китоб ўқиб, бир сўзла қўшиқ тинглаб, ёки бирор фильмни томоша қилиб маза қилди. Янги манъавий оқибатда. Ўшда бир яхши таассурот қолди. Кейинги вақтларда «Ойнаи жаҳон» орқали ана шундай мазмундор ва таъсирчан кўрсатувлар тез-тез намойиш қилинмоқда. Айниқса, «Ўзбектелефильм» студияси ижодкорлари томонидан яратилган бир қатор кўп сериалли видеофильмлар томошабинларга жуда манзур бўлмоқда. Жумладан, яқинда намойиш қилинган «Занжир» номли кўп сериалли видеофильм ҳам кўпчиликнинг эътиборини қозониб, бахс-мунозараларга сабаб бўлди. Шу сабабдан биз ҳам ушбу видеофильм муаллифи, «Ўзбектелефильм» студияси бадий видео сериаллар таҳририяти бошлиги, ёзувчи Мирзаўлат ТОПШУЛАТОВ билан учрашиб, бир неча саволлар билан мулоқат этдик.

— Мирзаўлат ака, аввало «Ўзбектелефильм» студияси томонидан яратилган кўп сериалли видеофильмлар мухлислар томонидан муносиб баҳо олиб, муваффақият қозонмоқда. Айтинчи, бундай ютуқларга қандай эришилмоқда?

— «Ўзбектелефильм» студиясида янги бадий видео сериаллар таҳририяти ташкил топганига икки йилдан ошди. «Ойнаи жаҳон» орқали намойиш қилинаётган қатор бадий видео сериаллар бизнинг таҳририятимиз томонидан суратга олинмоқда. «Чархпалак», «Меҳробдан чаён», «Абдорнинг саргузаштлари», «Адолат манзили», «Илон», «Увайсий» ва бошқа кўпгина сериаллар шулар жумласидандир. Энди муваффақиятлар сабабига келсак, адиб ва муаллифларимиз сони кўпайиб қолганини, шунингдек, асосан таниқли ўзбек драматурглари асарларидан фойдаланаётганлигимиз боисидан бўлса керак. Бундан ташқари яхши асарларни, сериаллар, таҳрироти режиссёрларини

ҳам ўзимиз танлашимиз тўғрисида тўлақонли мазмунли фильмлар юзага келмоқда, деб ўйлайман.

— Яқинда намойиш қилинган 14 қисмдан иборат «Занжир» видеофильми ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Асардаги воқеалар аини ҳозирги кундаги долзарб масалалардан иборат. Айтинчи, асар қачон яратилган, ундаги воқеалар аинан нималарга асосланган, ҳаётдан олинганми? Экстремистик оқим, террорчилар ҳаракати ва характери қандай очиб бергансиз?

— Фильм анча илгари ёзилган «Ўта махфий дафтар» қиссам асосида тайёрланди. «Ёзувчи» газетасида бу қиссадан айрим парчалар еритилган. Фильм икки фаслдан иборат бўлиб, олдинги воқеалар, асосан собиқ иттифок давридаги тузум тўғрисида ҳикоя қилинган бўлиб, террорчилик ҳаракатларига доир воқеалар бадий кенгаш аъзолари ҳамда режиссёрларнинг тақлифлари асосида қўшимча қилиб киритилди. Мақсад, ўзбекчиликнинг юзага чиқариш, олдинги ва ҳозирги ҳаётимизни таққослаш. Ўтган йилги машҳур февраль воқеаларидан сўнг бундай оқимдаги қиссаларнинг қимлиги, қилаётган разилона ишлари очик-ойдин кўриниб қолди. Албатта, шунинг учун видеофильмда бу қиссаларнинг феъл-атвори, адиб-башарасини очиб бериш унчалик қийин бўлмади.

— Кўпчилик мухлислар Бахромнинг ёшлигини қайси актёр ўйнаган, нима учун фильм охиригача шу ролни ўзи ўйнамаган? — деган саволлар билан мурожаат қилинган. Умуман, фильмдаги актёрлар ва режиссёрдан кўнглингиз тўлдими?

— Фильмдаги Бахромнинг ёшлигини «Илҳом» театри актёри, санъат даргоҳига кириб келётган иқтидорли актёр Соҳиб Аббосовнинг маҳорат билан ижро этди. Соҳиб ёш йигит, орадан ўн йиллар вақт ўтган, албатта одам ўзгаради. Шунинг учун кейинги фаслда Бахром ролини таниқли актёр Боир Холмирзаевага топширилди. Боир ҳам бу ролнинг ҳаётини ва таъсири қилишида ўз қобилияти ва маҳоратини кўрсатган. Умуман, мен фильмда иштирок этган барча актёрлардан кўнглим тўлди, уларга миннатдорчилик билдирман.

Албатта, фильмнинг муваффақиятли чиқиши асосан режиссёрга боғлиқ. Бу фильмни суратга олишда режиссёр Санжар Бобоевнинг ҳам ҳиссаси айниқса катта бўлди. Айниқса, унинг сценарийдан чиқиб кетмай, маслаҳат билан иш тутуши бизнинг ютугимиз, деб ўйлайман. Бундан ташқари фильмни суратга олишда операторлар М.Солиев, А.Усмонов, бастакор М.Махмудовларнинг ҳам ҳиссалари каттадир.

—Мирзаўлат ака, нима учун видеофильм «Занжир» деб номланган? Фильмнинг давоми борми?

— Фильмдаги воқеалар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлгани сабабли уни «Занжир» деб номладик. Кўриниб турибдики, воқеалар ўз-ўзидан яқун топди, давоми йўқ. Кўпчилик Бахром қамалди, деб ўйлаган. Йўқ, ақинча Бахром фильм охирида қўлини узатганда унинг қўли очик қолди, кишан солинмади. Демак, у қамалмади.

— Келгусида яна қандай видеофильмлар яратиш ниятидасиз? Режалар ҳуусида ҳам айтиб ўтсангиз?

— Келгусида тарихийлиги томонидан яна қатор сериаллар яратиш режалаштирилган. Булар Маҳкам Махмудовнинг «Бибиҳоним», Одил Ёқубовнинг «Муқаддас тилла узук», «Алломани» сингари фильмлар шулар жумласига қаради. Айни кунларда таниқли драматург Фарход Мусахоннинг «Лафз» номли кўп сериалли видеофильмининг суратга олиш нихосига етай деб қолди. Ўйлаймизки, бу фильм ҳам мухлислар эътиборини қозонади, деб умид қиламиз.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

● Ҳикмат. Бойлик ўтқинчи нарсасидир. Оқил киши ўтқинчи ҳою ҳавасга берилмайди.

Байт:

Бойлик роҳат бўлса ҳам сенга,
Фано губоридан бўлди барбод.
Ҳақиқий бойлиқни кирит қўлингга,
Икки қуллик нарсаси учун бўлма шод.

● Гуноҳни кечмоқ инсон учун ярашимли ҳулқдир.

● Дўст уч табақа бўлади. Биринчиси, овқат қабидир ва улардан ҳеч ажраб бўлмайди. Иккинчиси, давога ўхшайди ва уларга гоҳ-гоҳ иш тушади. Учинчиси, дардга ўхшайди ва улардан ҳеч яхшилик келмайди.

Байт:

Толан ёр билар дўстлиқнинг қадрин,
Муҳаббат муҳрини уриб жонига.

● Ҳикмат. Ваҳоб бин Мабнанинг айтишича, ҳийладан холи бўлмаган олим ўғридир. Ақл либосини киймаган ҳар бир одам ҳайвон билан тенгдир.

Байт:

Нодон хато қилса, раводир унга,
Айб қўйиб бўлмас, айбни биламайди.
Ҳайвондан минг марта ёмонроқ ҳар қим,
Йўлни билиб унга амал қилмайди.

● Бир кун Анушервон мажлис уюштирган ва мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарсани нима?» деб сўради. Биров: «Шоҳи» деб жавоб берди. Биров эса: «товуқ парлари» деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нарсани нима бўлиши мумкин» деди. Шу онда ҳалиги йигит сарой устиди турган эди. Мулозимлар жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлган деди: «Энг юмшоқ нарсани тинчликдир!» Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: «Энг яхши овқат нима?» Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва таъда иллат қўзғатмайдиган овқат энг яхши овқатдир!» деди. Яна сўради: «Энг яхши шароб қайси?» Жавоб берди: «ақли зое қилмайдиган, касаллик қўзғатмайдиган». Яна сўради: «Гуллардан энг хуш ҳидлиси қайси?» Жавоб берди: «Ота-она тирикчилигида хурсанд қиладиган, ўлганда номини боқий қиладиган, ҳаёт гули бўлган муносиб фарзанддир!»

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.

● Ҳикоят. Ривоятлардан маълум бўлишича, ҳинд ҳақимларининг умри узок, ақли эса ўткир бўлади. Бунинг сабаби кам омақдандир. Улардан бири бодом мағзидан катта овқат емас ва бу ҳолни уч кунсиз такрорламас эди.

Қитъа:


Бир ҳақимдан эшитдимки, ўликдан,
Сўрса ўлмоқ учун сабаб не ҳар чоқ.
Ўндан тўққиз ўлик жавоб беради,
Ўлим сабабидир кўп овқат емоқ.

● Ҳикмат. Бир вақт Ҳирот шаҳридаги фалакий мадрасасида ваъз ўқир эдим. Бир дарвиш: «Алиф тўғрилики ва ҳамма ҳарфлардан олдинлики қандай қўлга киритди?» деб бўраб қолди. Мен дедим: «Озодалик ва барча нарсалардан фориқлик билан. Кўрмайсанми, «бе»нинг нуқтаси (яъни доғи) борлиги учун, эгриликдан қутулиб, олдинга ўтломайди!» дедим.

● Бир вақтда бир тўда дарвишлар билан бир шаҳарга етиб келдик ва шаҳар подшоҳининг золим эканини билдик. Бир-биримизга дедик: «Бу ерда туришга ният ва яшашга ҳаракат қилмайлик, зулм сабабидан диёр ҳор, золим эса, ўтда қуйишга сазовордир. Агар бирор тоғфа устига бало ёғилса, катта-ю кичикка баробар таъсир қилади.

Бир диёрға тушса, офат ва бало,
Ҳалок бўлар катта-кичик беҳуш.
Бир далага тушса ёғилур олов,
Бирдек куяр ҳўл қуруқ ўша ол!

У диёрдан кетишга қарор қилган, татар мамлакатини сари йўл олди. Бир неча турк икки ҳуржун олтин билан бизга ҳамроҳ бўлдилар. Бундан огоҳ бўлган ўғиллар тоифаси изимиздан кела бошлади. Золим подшо эса ўғиллар бизни қатл этиб, молимизни тортиб олишган, уларни тутиб, ўзларини ўлдириб, таланган молни ўз хазинасига олиш мақсадида ўғиллар орқасидан лашкар юборди.



Пойтахтимизнинг Сирғали туманида жойлашган 305-лицейда «Илҳом чашмалари» кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танлов қатнашчилари бўлган лицей ўқувчилари ўзларининг она Ватанга бўлган муҳаббатларини қалбларида жўш уратган меҳри билан акс эттиришди.

Бу билим даргоҳида санъатга ошурта диллар жуда кўп. Шу боис ҳам лицейда Лола Юсупова раҳбарлигида «Нихол» дастаси фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, хор жамоаси, фольклор дастаси ва яққол хонандалар ҳам дарсдан бўш вақтларида санъат сирларини кўнгил билан ўрганмоқдалар.

Бўлиб ўтган тадбирда

ҳам уларнинг ҳар бир чиқишлари бу ерга йиғилган меҳмонлар, ота-оналар ва ўқув-

ди даста раҳбари Лола Юсупова. — Чунки бундай ёшларимизнинг маънавияти ҳам

дан умидларим катта.

— Болаларим меҳнатига яраша рағбатлантирмаслик, уларга эътибор бермаслик, лоқайдлик улардаги санъатга бўлган меҳрни сусайтириши табиий, — дейди лицей директори Дилором Аҳмедова. — Кўрик-танловимизга мутасадди ташкилотлардан 10 нафар хайъат аъзолари келиши лозим эди, лекин уларнинг 3 нафари Бунинг устига берилган баҳо натижаларидан ҳеч ким қониқмади. Уйламанки, бундай тадбирлар фарзандларимиз онига Ватанга, муштарийларимизга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам бу борада лоқайдликка чек қўймоқ зарур деб ўйлайман.

Хилола НОСИРОВА. СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.

Қўшиқларда ВАТАН МУҲАББАТИ

чиларга бир олам завқ бахш этди. Ватан, Баҳор. Она ҳақидаги дилбар қўшиқлар, дилрабо рақслар барчага яхши кайфият бағишлади.

— Ўғил-қизларимизнинг санъатга бўлган муҳаббатлари, дилдан қўшиқ куйлаб, рақс тушишлари, мени нихо-

жусак бўлади. Шунинг учун ҳам мен уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратаман. Мана бугун шоғирдларимнинг қўшиқлари кўчликка манзур бўлди. Айниқса, Мухайё Алиева, Шахло Эргашева, Дилшода Абдуллаева, Дилдора Абдуллаева сингари раққоса қизларим-

Телефон кўнгириги жириглаганда аввало «Ким экан?» деб ўйлайсиз. Кўвончли хабар эшитсангиз мамнун бўлиб кайфиятигиз кўтарилади. Юнусов туманидан кўнгирик қилган муштарийимиз Наима Қодирова ҳам ўз миннатдорчилик сўзларини изҳор этганда ана шундай унга ёрдам берганимиздан кўвондик. «Ойлаб ҳал бўлмаган мушкулларимизга аралашувчи билан бир кунда ўз ижросини топди. Бунинг учун тахририят ходимларига миннатдорчилик билдираман. Ҳақиқатан ҳам «Ишонч телефони» ишончимни оқлади». У кишининг миннатдорчилиги ҳаммамизни мамнун этди.

Хар сафаргидек ўтган икки ҳафта давомида ҳам муштарийларимизнинг дил сўзларини, фикр-мулоҳазаларини, аниқсиз кўмак сўраб қилган муножаатларини диққат билан тингладик. Со бир Раҳимов тумани, Бобоқонов 4-боши берк кўчаси, 5-уйда истикомат қилувчи Муҳаббат Набиева ўз фикр-мулоҳазаларини қўйидагича баён этди: «Кейинги пайдада телевидениеда бир-мунча яхши кўрсатувлар тайёрланаёт-

миз керак эмасми?!

«Арзимизга 2 йилдан буён ҳеч ким кулоқ солмапти. — Яққасарой тумани Бобур кўчасида яшовчи Махмуд Раҳимов шундай арз қилди, — 70 хонадон истикомат қилаётган 87-«а» ва 87-«в» уйларда икки йилдирки, лифт ишламайди. Уларимиз «Тоштўқимачи» корхонасига қарашли бўлгани учун корхона мутасаддиларига, туман ҳокимлигига бир неча бор муножаат қилдик.

локомотив депосида ишлайётган вақтида жараҳат олган, ҳозир ногиронлик нафақасини олади, 60 фоиз иш қобилиятини йўқотган. Лекин у ойда бунён ишхонасидан ногиронлик нафақасига бериладиган қўшимча пулни ололмаймиз. Қачон борса «пул йўқ» деб қатаришади». С. Раҳимов тумани, «Себор» даҳаси, 30-уй, 19-хонадонда яшовчи Дилбар Назарованинг ушбу ариғи корхона раҳбарла-

«Ишонч телефони» хизматини олдидан

МУШКУЛИНГИЗ ОСОН БЎЛСА...

гани эътироф этган ҳолда, айрим эътирозларимиз ҳам изҳор этишни лозим топдим. Кўпинча телевизорни қайси дастурга олма, турли гуруҳларнинг мазза-матраси йўқ қўшиқларини қайта-қайта қўйишди. Ёлғон эмас, бир хонанданинг бир хил қўшиғини 4-5 марта ҳам эшитиш гашингизни келтиради. Айниқса, «Табриклиймиз, қўлга-миз» ва «Кўп-совға» эшитиришларида. Менинг 5 нафар фарзандим бор. Тўғри, барча болалар сингари улар ҳам телевизор кўришди. Шунинг учун кўпроқ ёшлар тарбиясига оид, миллий қадриятларимизни тиклашга ҳисса қўшадиган, шарқона урф-одатларимизни ўргатадиган кўрсатувлар берилишини истардим».

«Тошкентимизни ҳар доим гўзал ва озода кўришни истайман, — деди Юнусов тумани, 18-мавзе, 41-уй 1-хонадондан кўнгирик қилган Мирхалил Обидов. — Лекин айрим ноқушликлар унинг ҳуснига доғ бўлаётгани мени ранжитди. Уйимиз яқинидаги майдонга ахлатхона қурилган, у ерда жавобгар одам бўлишга қарамай, ахлатхона атрофи доимо чиқиндилар билан тўлиб ётади. Қўнчилиқ одамлар ахлатхонага эмас, унинг ён-атрофида ахлат тўкиб қетишади... Бунга на масъул ижара корхонаси, на «Итифок» маҳалла қўмитаси эътибор беради. Эрта-индин кунлар исиб кетса, бу ерда пашшалар гужгон ўйнайди, натижада юкүмли касалликлар ҳам кўпаяди».

Бизнингча, бу масалада аввало маҳалла қўмитаси, шу атрофда жойлашган уйларда яшовчилар масъулиятини ўз бўйинларига олсалар, фойдадан холи бўлмасди. Ахир, шаҳримизда ободонлаштириш ойлғи давом этмоқда, унинг устига халқимизда «Хашар — элга ярашар» деган нақл ҳам бор. Маҳаллаларинг ободлиги, уй атрофларининг орасталиги учун ўша ерда яшовчи каттаю кичик қайғуриши лозим, ўз уйимизни ўзимиз асраши-

Ҳеч ким чорасини кўрмапти. Нима, бизнинг уйларимиз ўғайми?!

Бу саволга «Тоштўқимачи» корхонаси мутасаддилари ҳамда Яққасарой ҳокимлигидан тегишли жавоб кўтамаз.

Шайхонтоҳур тумани «Ипакчилик» маҳалласидаги ота-оналар номидан иккинчи бор кўнгирик қилган Гулчехра Яхёева болалари қатнайдиган 359-боғчанинг иш соати 17.30 гача қисқартирилиши, бу пайда кўнчилиқ ота-оналар ишда бўлиши ва бундан норози эканлиги ҳақида гапирди. Биз ана шу эътирозни туман халқ таълими бўлим мудири Жамол Эшбобовага етказганимизда, у киши шундай жавоб берди:

«Хавотирлангиз асос йўқ. Болалар боғчасининг иш соати қисқартирилиши ҳақида ҳеч қандай буйруқ чиқарилмаган. Бу жавоб Гулчехранинг қаноатлантиради, деган умиддамиз.

«Миробод тумани, «Қўйлик» кўчаси, 55-уйда истикомат қиламан, — телефонда ўзини таништирди Аҳмаджон Юсупов. — Маҳалламиздан «Баротхўжа» ариғи ўтади. Ана шу ариққа Кўзи оғизлар жамиятига қарашли ўқув қўбинининг турли чиқиндилари оқизилмақда. Ахир бу инсонлар соғлиғи учун, атроф-муҳит муҳофазаси учун зарар-қў. Бу фикрга корхона раҳбарлари ва шахар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси мутасаддилари нима дейишаркин? Шайхонтоҳур тумани, «Октеб» мавзеси, 13-уй, 31-хонадон соҳибаси Рита Кимнинг қўйидагича бор экан. Биз у шикоят қилган 6-ижара корхонасига неча бор боғланган бўлсак-да, бошлқ билан улана олмадик, муҳандис эса тайинли жавоб айтмади. «Беш-олти йилдирки томдан чакка ўтади, ёзда усталар келиб ишлаганди бўлишди, лекин ёгин-сочин бошлангач ахвол ўша. Хаттоки электр симлари бор жойлардан ҳам сув сизиб ўтади. Ахир бу хавфли-ку. Ўтган йилнинг 13 ноябрида бюртма берган эдим, лекин ҳалигача навабат келмаганимиз».

«Турмуш ўртоғим Тошкент тепловоз-

ридан жавоб кўтамаз.

«Президентиимиз 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганларида биз жуда суюндик, — деди Шайхонтоҳур тумани, «Ипакчилик» маҳалласида яшовчи Гулбаҳор Яхёева, — зора бизга хизмат кўрсатувчи 15-оилавий шифохона ишида бироз ўзгариш бўлса деб. Чунки кўнчилиқ бу ерда фаолият кўрсатаётган шифокорлар ишидан қониқмайдик. Бунинг устига шифохона совуқ бўлганлиги сабабли, касалингизга касал қўйиладик».

Шунингдек, Яққасарой туманидан кўнгирик қилган 250-болалар боғчасига тарбиячи бўлиб ишловчи Музазам Шукророва «ТТЗ-МУМ» йўналиши бўйлаб қатновчи 13-трамвайнинг метронинг «Буюк ипак йўли» бекатида йўловчиларни кутиб жуда кўп вақт туриб қолиши ҳамда бундан йўловчилар норози эканлигини билдирди.

«Ахир, йўловчиларнинг кўнчилиғи ишга, ўқишга, баъзилари зарур юмушлар билан боғлиқ бўлганда бир пайда бу трамвайнинг битта бекатида ярим соатлаб туриб қолиши ҳам асабиниғизга тегади, унинг устига хайдовчиларнинг бепарволиги гашингизни келтиради. Қимматли вақтимиз бекатларда ўтиб кетмасин дейимиз-да». Аксарият муштарийларимиз шаҳар жамоат транспорти иши юзасидан ўз эътирозларини билдиришди. Биз бу эътирозларга «Тошшаҳарйўловчтранс» давлат уюшмаси раҳбарлари эътиборларини қаратдилар деган умиддамиз.

Муштарийларимиз бизга мурожаат этар эканлар, албатта диллариди сўзларини, ўзларини уйлантираётган муаммоларини чин дилдан гапирдилар. Биз ҳам уларга қўлимиздан келганча ёрдам бериш ҳаракатидамиз. Зеро, мушкуллари осон бўлган ҳамшаҳарларимизнинг мамнун кайфиятлари бизга илҳом беради. Азиз муштарийлар, ҳар пайшанба кўни сизларнинг кўнгирикларингизни кўтамаз. **Шарифа ИЛЕСОВА.**

ШАҲС СИФАТИДА ЎЗИНГИЗНИ БАҲОЛАНГ

Мен кимман? Қандай одамман?

Ҳозирги тестимизда уч гуруҳ саволлар бўлиб, улар сизга ўзингизни қанчалик билингизни аниқлашга ёрдам беради.

Ўзингизни инсон табиатиининг яхши билимидон деб ҳисоблайсизми?

Билим бошқа-ю донолик бутунлай бошқа нарса. «Ахборот» тестларининг урдасидан чиқолмайдиган кўнчилиқ кишилар гап инсон руҳиятини билишга бориб тақалганда чинакам билагонликларини намойиш этадилар. Кўнчилиқ «аҳо»лар эса «амалий фалсафа»га келганда «билимасвой»га айланишади. Мустақил деганда қарам бўлмаслик, оригиналлик ҳамда жуда мураккаб бўлмасча ҳам зарур ҳаётини муаммоларни ҳал этишни ундай оқилини билдиради.

Сиз ўз-ўзингиздан розимисиз?

Кўнчилиқимиз одамлар орасида бўлиш, улар билан қўвонч ва танишларимизни баҳам кўришни ёқтира-миз. Бироқ, афсуски, бундай қилишнинг ҳаминча ҳам иложи бўлавермайди. Кўп ҳолларда фақат ўзининг ички куч-қувватимиз, иродамизга таянишимизга тўғри келди. Қуйидаги тест саволлари сиз қай даражада ўзингизга таяна олингизни аниқлашнингизга кўмаклашади.

1. Шундай қилиб, инсон табиатини қанчалик билишингизни синангизиз учун 25 мулоҳазани келтирамиз. Ҳар бир жумладан кейин ўз фикрингизни «Тўғри» ёки «Нотўғри» деган сўзларда ифодаланг.

1. Инсон ҳамиша ақл билан иш тутати деб ҳисоблаш ақдан эмас.

2. Мактаб ёки коллежда, институтда билимларни яхши ўзлаштириш учун ақли одамлар билан доимий мулоқотда бўлиш керак.

3. Бошқалардан кўп нарсани талаб қиладиганлар камтар одамларга нисбатан кўпроқ нарсасига эга бўладилар.

4. Ўта қобилиятли кишилар, одатда, шухратпараст ёки худбин бўлишади.

5. Сухбатлашиш — ўз фикрларини яшириш учун фойдаланиладиган восита.

6. Сиз бирон-бир яхшилик қилсангиз, одамлар бундан албатта сезиб, муносиб баҳолайдилар.

7. Ёшга ёш қўшили борган сари одам донорроқ ва тажрибалироқ бўла боради.

8. Бошқача оҳангда айтганда катта жанжалга сабаб бўладиган гапни табассум билан айтиш мумкин.

9. Ҳаётда қўлга киритганингга — қаноат қил» юксак ахлоқ қондаси шундай.

10. Агар дўстларингизга камчиликларини айтиб берсангиз, уларга катта яхшилик қилган бўласиз.

11. Қарздор одам, одатда, қарз берган кишига яхши-

роқ ва самимиyroқ муносабатда бўлади.

12. Ҳеч ким бошқа бировни тўла тушуниб етолмайди.

13. Одамга масъулиятли ишни топширишганда шу топшириқни берган одамга у ҳурмат билан қарайди.

14. Таниш-билишлар ҳақидаги мактов одамларни хурсанд қилади.

15. Ота-оналарнинг суюкли болалари мутлақо эътибор қилинмаган болаларга нисбатан ота-оналаридан осонроқ ажраб кетишади.

16. Кучли одамнинг душманлари заиф кишиларникига нисбатан кўп бўлади.

17. Ақлли эркаклар нодон аёлларга уйланишга кўпроқ мойил бўлишади.

18. Романтик ўзи севган одамнинг асл ички дунёсини яхши кўради.

19. Агар одамларнинг пуллари кўп бўлса, улар кўпроқ ўқиган, камолотга интилган ва фақат муносиб ишлар билан шуғулланган бўлишади.

20. Кўпчилик одамлар мантикий фикрлашни билишмайди.

21. Мабодо, Сиз баъзан бирон одамни ёмон кўришингизни ҳис этиб қолсангиз, бу уни бутунлай яхши кўрмайсиз, деган маънони билдирмайди.

22. Кўпчилик одамлар ҳар қандай янгиликдан қўрқинишади.

23. Пулга ҳамма нарсани сотиб олса бўлади.

24. Бизнес сотқин ва нопок бўлади.

25. Аёллар эркакларга нисбатан консервативроқ бўлишади.

Албатта, юқориди мулоҳазаларнинг ҳар бири бўйича катта мунозарани бошлаб юбориш мумкин. Лекин, келинг, уларга фақат «Тўғри» ёки «Нотўғри» деган биргина сўз билан жавоб бериш мумкин, деб ҳисоблайлик:

1. Тўғри. 2. Нотўғри. 3. Тўғри. 4. Тўғри. 5. Тўғри. 6. Тўғри. 7. Тўғри. 8. Тўғри. 9. Тўғри. 10. Тўғри. 11. Тўғри. 12. Тўғри. 13. Тўғри. 14. Тўғри. 15. Тўғри. 16. Тўғри. 17. Тўғри. 18. Тўғри. 19. Тўғри. 20. Тўғри. 21. Тўғри. 22. Тўғри. 23. Тўғри. 24. Тўғри. 25. Тўғри.

Тўғри жавобларингизни ҳисоблаб чиқиб, уни тўртга қўпайтиригиз. Натижа — Сизнинг «донолигингиз» даражасини кўрсатади.

80 фойздан ортиқ натижа Сизнинг чинакам подшо Сулаймон эканлигингиздан далолатдир. 60 дан 70 фойзгача — ўртача кўрсаткич. Мабодо, тўғри жавобларингиз 40 фойздан кам бўлса — унда сиз ўз хулқ-атворингизга ҳамда бошқаларнинг ҳаёт-ҳаракатларига кўпроқ эътибор ва диққат билан қарашингиз керак бўлади.

Муҳтабар АХМЕДОВА тайёрлаган.

Турфа олам

ЎГИЛСИЗ ҚИШЛОҚ...

Хитойнинг Гоабан деган қишлоғида туғилган чак-лоқларнинг барчаси қиз бола эди. Бошқа жойдан келин олиб ҳам қўришди, ахвол ўзгармади. Гоабанликлар иложсиз қолиб бу ерга қар-иш теккан экан, деган хулосага келишибди. Ўғил туғилмайдиган қишлоқнинг сирини мада эканлиги олимларни ҳам уйлантириб қўйди.

Бундан қанчалик, фақат қизлар туғилишига сабаб оқдй — улар кўп вақтдан буён истеъ-мол қиладиган қудуқ сувиди бўлиб чиқди. Маълум бўли-шча, қишлоқ қадимий қи-лоқлар устида жойлашган. Шу боис қудуқ сувиди бу модал-хаддан зиёд кўп бўлганидан «эрлик» уругини қўзғиланти-риб, «хотин» уругини кучай-тирар экан.

Қишлоққа қувур орқали бошқа жойдан тоза сув кел-тирилган, табиатдаги мувоза-нат тикланди. Яқинда бу ерда бирдангина учта аёл қўқор-дек ўғил туғганида гоабан-ликлар хурсандчиликдан ос-монга иргиди.

...ВА ЎЛИКСИЗ ҚИШЛОҚ

Тибет — мўъжизалар юр-ти. Баланд тоғларда яшайдиган халқ «худолар биз билан яшайдилар», дейишади. Бал-ки улар ўзинча ҳақдор.

Тибетнинг Донкон деган қишлоғида 1947 йилдан буён бирорта одам ўлгани йўқ. Бирорта одам касалликка ча-линган экан.

Донконда 7000 аҳоли яшайди. 200 нафардан зиёд қишининг ёши 130 дан ош-ган. 150-170 ёшлиларни уларда қария деб қўрмай қилишади. 100 ёшга етган-лар нихоятда кўп. Уларни ёшлар қаторида қўришиб, қариялар учун бўладиган ма-росимларга айтишмайди.

Ҳозирча яқин йиллар ичи-да бу ерда ўлим ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

Саломатлик

ҚОН — ҲАЁТНИ САҚЛАЙДИ

Бутун дунёдаги каби бизнинг мамлакатимиз-да Жаҳон саломатлик кўни кенг нишонланди.

Шу муносабат билан ша-хар Саломатлик марказида Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотининг «Қон — ҳаёт-ни сақлайди» шори ости-даги шаҳримиздаги барча даволаш-профилактика му-ассасаларининг бевосита

қон билан ишловчи шифо-корлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ишти-рокида брифинг бўлиб ўтди. Ушбу брифингда шаҳар Саломатлик марказининг бош врач Дилдора Мирбо-боева «Хавфсиз қон — ўзи нима?» мавзусида, шунингдек, Қон махсулотлари илмий-иш-

лаб чикариш уюшмасининг директор ўринбосари Али-шер Алимухамедов саломат-лигининг асосий манбаи қон эканлиги тўғрисида маъру-за қилдилар. Брифингда мутахассис шифокорлар йиғилганлари ки-зиқтирган барча саволла-рига жавоб бердилар. **Гулором ҲАМИДОВА.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ИШГА
МАРҲАМАТ!

«Тошсиклиқкувати» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Исттатмир» корхонаси катта ўлчамдаги иссиқлик тармоқлари қурувларини тиклаш учун 5,6 даражага эга бўлган юқори малака-ли чилангар ва пайвандчиларни кафолатли иш ҳақи асосида ишга тақлиф қилади.

Иш ҳақи — ишбай - мукофотли. Мурожаат учун манзил: Бобур кўчаси, 53. Тел: 55-44-58, 136-96-09, 55-15-38.

Иш ҳақини кафолатлаймиз.

«АЛТЕМИР» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

• бош механик

• 1-тонфали бухгалтер

• бухгалтер-кассир

• техника хавфсизлиги муҳандиси

Иш фаолияти бўйича ишлаб чиқаришда 5 йил стажга эга бўлиш керак.

Тел: 76-77-58; 76-67-47.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтовларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204 -ХОНА.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:

133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га
— 133-74-05 телефонига мурожа